

**ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 23**

Самарканд шаҳри

«24» « январь » 2022 й

ООО " MEROS PHARM ", кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи директор Пулотов С.Ш. номидан, бир томондан ва Р.Ш.Т.Ҳ.И.И.С.Ф., кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Яншиев Б.А. номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар

**1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Дори воситаларни номи	У/Б	Сони	ККС	Нархи	Сумма
1	Метамизол натрий (Анальгин) 50% 2мл№5	Уп	10 000	ККС сиз	4 100,00	41 000 000,00
2	Дифенгидрамин(Димедрол) 1% 1мл№10	Уп	4 000	ККС сиз	2 150,00	8 600 000,00
3	Папаверин 2% 2мл№10	Уп	3 000	ККС сиз	5 150,00	15 450 000,00
4	Бендазол (Дибазол) 1% 2мл№10	Уп	5 000	ККС сиз	3 150,00	15 750 000,00
<b>Жами: 80 800 000 ,00 ( саксон миллион саккиз юз минг ) сум,0 тийин</b>						

**2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ**

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани ғазначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 календар иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % миқдоридан (шартнома суммасидан миқдоридан) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни товарни олгандан сўнг 30 календар иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни

и етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

**3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларидан бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз баргарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- “Буюртмачидан” олдидан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;  
- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;  
- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 10 - кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар Ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (Ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг қафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (Ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига Ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини Ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига етказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, Ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

#### 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил “31” декабргача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Сотувчи»

«Буюртмачи»

ООО «MEROS PHARM»

Республика Шошилинч тиббий ёрдам  
илмий маркази Самарканд вилояти  
филиали

Манзил: Самарканд ш, ул.Беруни, 1/5

Манзил: Самарканд шаҳар Маҳдуми  
Аъзам 18-уй

Эл.почта: info@merospharm.uz

Тел./факс 0366-232-12-45

Тел./факс: (998-97) 915-40-25, (998-98) 273-17-00

х/р\* 100021860184017072301054004  
бюджетдан маблағ олувчи  
СТИРи 201007918-9013664  
ОКОНХ : 86900

х/р: ХР: 2020 8000 6009 4525 6001

Газначилик бошқармаси номи:  
Ягона Газначилик х/р:  
23402000300100001010

Банк: ЧАБ «Трастбанк» Самаркандский  
филиал

Банкнинг номи

МФО: : 01097 СТИР: 305 861 856

Марказий Банк  
МФО 00014 ОКЭД \_\_\_\_\_

ОКЭД 46460

газначилик бошқармаси СТИРи

201122919

Раҳбар



Пулотов С.Ш.



Янгиев Б.А

М.Ў.

Юрисконсулт

Джамалов Х.т.

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 23

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SAMARQAND SHAHAR

MAS'ULIYATI CHEKLANGAN  
JAMIYATI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН  
ГОРОД САМАРКАНД

ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ  
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ

Республика Узбекистан, г.Самарканд, ул.Беруни, 1/5 Тел: (+998 66) 229-04-97 e-mail: info@merospharm.uz  
р/с 20208000600945256001 в ЧАБ «Трастбанк» Самарканд. Ф-л МФО: 01097 ОКЭД:46460 ИНН:305861856

№ 23 от 18.01.2022 г.

Комиссияга куриб чиқилиш  
учун. 18.01.22.й

Тижорат таклифи

Бизнинг жамиятимиз куйидаги товарни пул утказиш йули билан етказиб бериш  
мумкинлигини маълум қилади:

№	Дори воситалари номи	Сони	У/Б	ККС	Нархи
1	Метамизол натрий (Анальгин) 50% 2мл№5	1	Уп	ККС сиз	4 100,00
2	Дифенгидрамин(Димедрол) 1% 1мл№10	1	Уп	ККС сиз	2 150,00
3	Папаверин 2% 2мл№10	1	Уп	ККС сиз	5 150,00
4	Бендазол (Дибазол) 1% 2мл№10	1	Уп	ККС сиз	3 150,00

Жамият раҳбари:



С.Пулотов

Наманган вилояти, Наманган тумани, Богишамол, Эшобод МФЙ, Корасув кучаси, 25 уй.  
Хисоб раками: 20208000805255726002 ЧАБ Траст банк. МФО: 01097, ИНН: 307580294

№ 31

«17» январь 2022й.

Комиссия кўриш  
Тижорат ушун 17.01.22й.

### Тижорат таклифи

Бизнинг жамиятимиз куйидаги товарни пул утказиш йули билан етказиб бериш мумкунлигини маълум килади:

№	Дори воситалари номи	Сони	У/Б	ККС	Нархи
1	Метамизол натрий (Анальгин) 50% 2мл№5	1	Уп	ККС сиз	4 200
2	Дифенгидрамин(Димедрол) 1% 1мл№10	1	Уп	ККС сиз	2 220
3	Папаверин 2% 2мл№10	1	Уп	ККС сиз	5 250
4	Бендазол (Дибазол) 1% 2мл№10	1	Уп	ККС сиз	3 270

Health Pharm Pharmacy МЧЖ

Рахбари:



*И. Дадабаев*

Дадабаев И.

# ООО «GREAT LUX PHARM»

Самарканд вилояти, Самарканд шаҳар, Фарход шаҳарчаси. р/с:20208000800687146002, ХАБ Траст банк Самарканд филиал, МФО:01097,

ИНН: 304397824, ОКЭД 47730, Тел./факс: +99893279097, -99895767673, greatluxpharm@mail.ru

Исх.: № 39 от 17.01.2022г.

Комиссияга кўриб  
чиқилиши учун  
17.01.2022г.

## Тижорат таклифи

Бизнинг жамиятимиз куйидаги товарни пул утказиш йули билан етказиб бериш мумкунлигини маълум килади:

<u>№</u>	<u>Дори воситалари номи</u>	<u>Сони</u>	<u>У/Б</u>	<u>ККС</u>	<u>Нархи</u>
1	<u>Метамизол натрий</u> <u>(Анальгин) 50% 2мл.№5</u>	1	Уп	ККС сиз	4 280,00
2	<u>Дифенгидрамин(Димедрол) 1%</u> <u>1мл.№10</u>	1	Уп	ККС сиз	2 400,00
3	<u>Папаверин 2% 2мл.№10</u>	1	Уп	ККС сиз	5 330,00
4	<u>Бендазол (Дибазол) 1% 2мл.№10</u>	1	Уп	ККС сиз	3 480,00

Директор:



Ёдгоров Х.

Б.

Фа  
хо

«



“ТАСДИКЛАЙМАН”  
Р.Ш.Т.Ё.И.М.С.Ф  
Директори Б.А.Янгиев

2022 йил 20 январь

Республика Шошилинь Тиббий Ёрдам Илмий Маркази Самарканд филиалига хом аше, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озик-овкат, дори-дармон ва бошка жихозларни харид килиш буйича доимий ишловчи танлов (гендер)  
Комиссия йиғилиши

### БАЁНИ

2022 йил 20 январь

Самарканд шаҳри

Раислик килувчи  
Иштирок этдилар

комиссия раиси, директор уринбосари  
Комиссия аъзолари (руйхат буйича)

### КУН ТАРТИБИ:

РШТЁИМ Самарканд филиали учун дори дармон ва боғлов воситалари буйича «HEALTH PHARM PHARMACY» МЧЖ, МЧЖ «MEROS PHARM» ва ООО «Great lux pharm»лар томонидан танлов (гендер) Комиссияга такдим этилган харид таклифлари буйича энг яхши харид таклифини аниқлаш.

Сўзга чиққанлар:

Рузиев Ш.Э

### (ИШФ)

Йиғилишда кайд этилдики, хом аше, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озик-овкат, дори-дармон ва бошка жихозларни харид килиш буйича доимий ишловчи Комиссиясининг дори дармон ва боғлов воситаларибуйича юкорида номлари кайд этилган таъминотчилардан тижорат таклифлари кабул килинганлиги инобатга олинди.

Жумладан, тижорат таклифларини такдим этиш тугрисидаги муурожаатномага мувофик, Комиссияга:

- Наманган шаҳри Боғишамол, Эшобод МФЙда жойлашган ООО "Health Pharm Pharmacy" томонидан 2022-йил 17-январдаги №31-сонли хат билан;
- Самарканд вилояти Самарканд шаҳар Беруний кучасида жойлашган МЧЖ «MEROS PHARM» томонидан 2022-йил 18-январдаги №23-сонли хати билан;
- Самарканд вилояти Самарканд шаҳрида Фарход шаҳарчасида жойлашган ООО «Great lux pharm» томонидан 2022-йил 17-январдаги №39-сонли хат билан; танловда иштирок этиш учун алоҳида харид таклифлари такдим этилган.

Мазкур корхоналар томонидан такдим этилган харид таклифларига мувофик дори дармон ва боғлов воситалари буйича танловда иштирок этиш учун куйидаги тур, улчам ва нархлар таклиф этилган:

№	Товар (маҳсулот)лар тури	Улчов бирлиги	Хажми	Етказиб берувчилар*		
				ООО "Health Pharm Pharmacy"	МЧЖ «MEROS PHARM»	ООО «Great lux pharm»
				Нархи	Нархи	Нархи
1	Метамизол натрий (Анальгин) 50% 2 мл №5	уп	10000	4200	4100	4280
2	Дифенгидрамин (димедрол) 1% 1мл №10	уп	4000	2220	2150	2400
3	Папаверин 2% 2мл №10	уп	3000	5250	5150	5330
4	Бендазол (дибазол) 1% 2мл №10	уп	5000	3270	3150	3480

Таъминотчилар томонидан дори-дармон шартномада келишилган муддатларда етказиб бериш кафолати берилган.

Комиссия аъзолари томонидан йул транспорт харажатларини максимал иктисод килиш, яъний хизмат курсатувчилар томонидан етказиб беришлигини ҳамда курсатилётган хизматларнинг сифати тугрисида утказилган тахлиллар натижасида МЧЖ «MEROS PHARM»имкониятлари кулайлигини курсатиб утилди.

Шунингдек ООО «Great lux pharm» ва ООО "Health Pharm Pharmacy"тижорат таклифларида кайд этилган нархлар юкори эканлиги курсатиб утилди.

Йигилишда таъкидлаб утилганларни ҳисобга олиб ҳамда хизмат курсатувчилар томонидан такдим этилган харид нархлар, сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, корхоналарнинг якин-узоклиги, транспорт харажатларини хар томонлама тахлилдан утказиб, Комиссия

#### Қ А Р О Р К И Л А Д И:

1.РШТТЁИМ Самарканд филиали дори дармон ва боғлов воситалари:

-такдим этилган нархларни арзонлиги;

-сифати ва шартномада келишилган муддатларда таёрлаш кафолати берилганлиги;

-таъминотчини тижорат таклифида курсатилган дори дармон ва боғлов воситалари учун маҳсулотни узи томонидан келтириб бериши транспорт харажатларини иктисод килиш имконияти мавжудлигини инобатга олиб МЧЖ «MEROS PHARM»нинг хизматларидан фойдаланилсин.

2. МЧЖ «MEROS PHARM»билан дори дармон ва боғлов воситалари буйича РШТТЁИМ Самарканд филиали уртасида хужалик шартномалари лойиҳалари икки нусхада Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонунга мувофиқ тузиш белгилансин.

3. МЧЖ «MEROS PHARM»билан дори дармон ва боғлов воситалари буйича РШТТЁИМ Самарканд филиали уртасида тузиладиган хужалик шартномалари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги №182-сонли "Давлат ва хужалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тугрисида"ги Қарори билан тасдиқланган Низомларга мувофиқ икки томонлама, яъни МЧЖ «MEROS PHARM»томонидан жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар ҳамда бюджет ташкилотлари юристи экспертизасидан утказиш белгилансин.

4. МЧЖ «MEROS PHARM»билан дори дармон ва боғлов воситалари буйича РШТТЁИМ Самарканд филиали уртасида икки томонлама тасдиқланган ва жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертизасидан утказилган хужалик шартномалари белгиланган тартибда тузилиб, икки томон раҳбарлари томонидан тасдиқлангандан сунг асли ва 1 (бир) нусхаси Самарканд вилояти буйича Газначилик бошқармаси юридик мажбуриятларини руйхатга олиш ва нарх мониторинги гуруҳига такдим этилсин.



Самарканд вилояти буйича Газначилик бошкармасига хужалик шартномалари билан биргаликда, куйдагилар такдим этилсин:

- белгиланган тартибда расмийлаштирилган тулов жадвали;

- мазкур комиссия йигилиши баённома асли (кайтарилди) ва нусхаси;

- икки томонлама, яъни МЧЖ «MEROS PHARM» ва РШТТЎИМ Самарканд филиали

уртасида имзоланган шартнома асл (кайтарилди) ва нусхаси; - танлов голибининг давлат руйхатидан утганлиги тугрисидаги гувоҳнома ва билдиришнома;

- танлов ёки тендерда иштирок этган хужалик юритувчи субъектларнинг белгиланган тартибда ва шаклда такдим этган тижорат таклифлари асли ва нусхаси;

5. Мазкур баённомага тижорат таклифларини такдим этган таъминотчиларнинг хатлари, тижорат таклифлари, гувоҳномалари, билдиришномалари ва бошқа такдим этилган хужжатлари илова килинсин.

6. Мазкур баённома ижроси назорати комиссияси раисига юклатилсин.

Комиссия раиси,  
Янги технологиялар буйича

директор уринбосари:

Аъзолари:  
Иктисодчи:

Касаба уюшма раиси:

Хисобчи:

Омбор мудир:

Дорихона булим мудир:

Дори-дармон хисобчиси:

Мансуров Т.

Аstonов З.

Жонузоков Т.

Ломашвили Л.

Джайнаров В.

Рузиев Ш.

Ахадова Н.